2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 188 (188), 2020 йил 1 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

**Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**Байрам тадбирида ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, парламент ва ҳукумат вакиллари иштирок этди. Шунингдек, ҳудудлардаги соҳа фидойилари маросимни Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги студиялардан кузатиб борди.**

**Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, устозларни ушбу айём билан қутлади.**

Давоми 5-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли муаллимлар!

Муҳтарам устозлар!

Бугун сиз, азизлар билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами арафасида учрашиб турганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, жойлардаги студияларда ўтирган фидойи устозларимизни, “ойнаи жаҳон” орқали бугунги тантанали маросимни кўриб турган барча юртдошларимни ушбу қутлуғ айём билан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис, мана шундай қувончли кунда барча шогирдларингиз, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эҳтиромимиз, эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни **кўнгилларнинг сурури, кўрар кўзларнинг нури,** деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

**Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган заҳматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.**

Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, қадрли тарбиячиларга, барча жонкуяр зиёлиларимизга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилишингизни истардим.

Азиз дўстлар!

Хабарингиз бор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқимда мен бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратдим.

Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукаммал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамиша устувор вазифа ҳисобланади.

Бутун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Бугунги қийин шароитга қарамасдан, давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бу борадаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда “онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди.

Яқинда республикамизнинг аксарият мактабларида, карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, янги ўқув йили бошланди. Эзгу анъанамизга мувофиқ, қарийб 650 минг нафар 1-синф ўқувчисига Президент совғалари сифатида 72 миллиард сўмлик ўқув қуроллари топширилди. Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болаларга қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуролларидан иборат 426 миллиард сўмлик моддий кўмак берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Айни вақтда, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи ва педагогларнинг саломатлигини асраш масаласи барчамизнинг алоҳида эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда мактабларни зарур тиббий ва антисептик воситалар билан таъминлаш учун Инқирозга қарши кураш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хабарингиз бор, бу йил 1,5 миллионга яқин ёшларимиз олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп демакдир. Биз мана шундай оғир вазиятда тест синовларини очиқ стадионларда, эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий амал қилган ҳолда, муваффақиятли ўтказишга эришдик.

Буюк давлат арбоби Индира Гандининг **“Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун оилани ўқитган бўласиз”,** деган сўзларида катта ҳаётий ҳақиқат борлигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун жорий йилда қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратдик.

Ўйлайманки, қизларимиз учун яратилган бундай қўшимча имконият яна юзлаб оилаларга билим ва маърифат нурини олиб киради. Бу, ўз навбатида, ёш қизларимизнинг келажакда жамият учун муносиб касб эгалари бўлиб камол топишига пухта замин яратади. Биз бу борадаги ишларимиз кўламини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб борамиз.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда илғор хорижий тажриба асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, солиқ маслаҳати давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишнинг профессионал институти ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шаклланмаган.

Давлат томонидан тартибга солиш, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар касбининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустаҳкамлаш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан **солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига:**

давлат солиқ ва божхона хизмати органлари билан муносабатларда солиқ тўловчининг манфаатларини ифодалаш;

солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг талабномаларида кўрсатилган, аниқланган тафовутларнинг асосномаси сифатида хулосаларни солиқ тўловчи номидан давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш бўйича **қўшимча ҳуқуқлар берилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасининг (кейинги ўринларда — Палата) **2021 йил 1 январдан** Молия вазирлигининг қуйидаги функцияларини Палатага ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказиш;

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш;

солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш;

солиқ маслаҳатчиларининг реестрини юритиш.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз тарихининг ғоят мураккаб даврида — XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, қуйидагилар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлансин:

**Абдулла Авлоний** (марҳум) — маърифатпарвар адиб, педагог, жамоат арбоби

**Маҳмудхўжа Беҳбудий** (марҳум) — Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири, адиб, педагог ва олим

**Мунаввар қори Абдурашидхонов** (марҳум) — атоқли маърифатпарвар мураббий, адиб, муҳаррир ва жамоат арбоби

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

**“БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН**

**Жумаев Тўхтамурод Муртазаевич** — Қоракўл туманидаги халқаро математика мактаби фахрий директори, Бухоро вилояти

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Абдиев Бахтиёр Бобоназарович** — Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Юлдашева Файзихон Араповна** — Норин туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Давоми 4-бетда

Халқимиз ҳамиша устозларни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. “Устоз ота каби улуғ” деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қоғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг қадр-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 октябрь, 188-сон

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланиши 1-бетда

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк юнон олими Аристотелнинг **“Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”,** деган сўзлари бор.

Қаранг, бу фикрлар милоддан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани сизларга яхши маълум. Мана, куни кеча тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали **Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.

Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи — ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудида қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудида биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

**“Ислом маданиятининг олтин асри”** деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар.

Тан олиш кераккки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга дунё аҳли ҳавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Шу муносабат билан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Мусулмонлар идораси, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрсин. Бу масалага Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев масъул этиб белгиланади.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: минг афсуски, ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё заминида ички уруш ва низолар, ҳокимият учун кураш авж олди. Айирмачилик ва маҳаллийчилик кучайди, маърифат ўрнига жаҳолат илдиз отди. Натижада бир пайтлар гуллаб-яшнаган ўлкамизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироз юзага келди. Илм-фан ва тафаккур машъали сўна бошлади. Юртимизнинг ўн тўққизинчи асрга келиб қарамликка тушиб қолишида айни шундай салбий ҳолатлар асосий сабаб бўлгани ҳаммамизга яхши аён.

Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар **“Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”** деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-ҳунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрат домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуғ инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадиий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга.

Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу йил таваллудининг 145 йиллиги нишонланаётган улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз вақтида **биз учун икки эмас, тўрт тилни билиш зарур,** деб бонг урган эди. Беҳбудий бобомизнинг ушбу даъвати ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди.

Қадрли муаллимлар, мен бугун Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Ана шундай юртдошларимиз орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов **“Буюк хизматлари учун”** ордени билан тақдирланганини сизларга ва бутун элимизга мамнуният билан айтмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, жадидлар меросини янада чуқур ўрганиш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

**“Оққан дарё — оқаверади”,** дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Бу фикрларга бир мисол келтирмоқчиман.

Биласизлар, Қоракўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қилган фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев номини ҳам барчамиз яхши биламиз. Бу ажойиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида жойлашган бўлиб, замонавий шароитга, қулай имкониятларга ҳам эга эмас эди.

Бугун ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига ўқишга киряпти. Халқаро олимпиадалардан энг кўп медаль олиб келаётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қоракўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга беряпти.

Биз бу таълим маскани эришаётган катта ютуқларни инобатга олиб, ўтган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик.

Тўхтамурод домла ҳам, жадид боболаримиз каби, тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратишга эришди.

Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарвари, давримизнинг Авлонийси, Беҳбудий домласи, Мунавварқориси!

Бундай улкан натижага эришиш учун албатта ўзига хос ўқитиш тизими бўлиши керак. Айни вақтда бундай ютуқлар замирида инсоннинг ўз касбига, Ватанига меҳри ва садоқати, юксак масъулият туйғуси мужассам, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу мактабда Тўхтамурод ака бошчилигида ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз боласидай кўрган, бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шаклланган ва бу ишлар бугун ўзининг муносиб натижасини бермоқда.

Моҳир педагог Тўхтамурод Жумаев таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари ва ибратли фаолияти учун Президент Фармонига асосан давлатимизнинг юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамурод акани ва мукофотга сазовор бўлган барча ўқитувчи ва мураббийларимизни ўз номимдан, халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари, шу ўринда савол туғилади: Қоракўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирлиги унинг ноёб тажрибасини етарлича оммалаштирмаяпти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим даргоҳидан ибрат олмаяпти? Халқ таълими вазири Ш.Шерматов нега уч йилдан буён бу жиддий масалага етарлича эътибор бермаяпти?

Афсуски, ҳаммамиз “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ” деб, бепарво бўлиб юрибмиз.

Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?

Ваҳоланки, бугунги кунда бизга мана шундай юзлаб мактаблар, ўз касбининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган минглаб мураббийлар сув билан ҳаводай зарур.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир туманда камида биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарур.

Президентнинг ҳар бир ҳудуддаги вакиллари, ҳар бир вилоят ва туманнинг етакчилари — бу ҳокимлар. Маъмун академиясининг бешиги, Муҳаммад Хоразмий юрти бўлган Хоразм, Мирзо Улуғбек камолга етган Самарқанд, дунёга Бобур Мирзони берган Андижон, Аҳмад Фарғоний ватани бўлган Фарғона вилоятларининг ҳокимлари бугун бу оқсоқлик ва бепарволик тўғрисида нима дейдилар?

Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиш учун сизларга олти ой муҳлат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, безаш мумкин, лекин уларни замонавий маъно-мазмун, илм-маърифат, тарбия билан тўлдириш қўлимиздан келадими?

Бу долзарб масала устида ҳокимлар билан Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазирликлар ва идоралар раҳбарлари биргаликда жиддий ишлашлари талаб этилади.

Азиз дўстлар!

Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

**Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз.**

**Мен ишонаман — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар.**

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Барчангиз хабардорсиз, бугун юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган муҳим соҳаларни, яъни мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқиёс ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин сир эмас, мактабгача таълим соҳаси бу борадаги ислоҳотлардан яқин вақтгача четда қолиб келди.

Аслида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади. Шуларни назарда тутиб, биз юртимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикамизда боғчалар сони 3 баробар ошиб (5 минг 200 тадан 14 минг 200 тага), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етгани ана шундай амалий ҳаракатларимиз натижасидир.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилиб, 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Кўриниб турибдики, дастлабки натижалар ёмон эмас. Бироқ ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина.

Соҳада давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим қамровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактабгача таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазифалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз ҳамиша устозларни эъзозлаб, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб келган. **“Устоз ота каби улуғ”** деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қоғозда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг қадр-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммангиз яхши тушуниб турибсиз, албатта.

Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз олди. Янаям очиқроқ айтсак, муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бундай ножўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилож ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Мана, яқин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва яганага чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазият вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсни бой беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқув дастурининг қарийб 3 минг соати — 30 фоизи далада мажбурий меҳнатда ўтди, дегани эмасми? Бошқача айтганда, бола 11 йил ўрнига атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамма соҳани ўз эгасига, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз туфайли бунга эришмоқдамиз.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошиб боряпти. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайтирилди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт йил олдин бундай ўзгаришларни тасаввур қилиб бўлармиди?

Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратилаётган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шуни таъкидлаш кераккки, ҳали бу борада кўзланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда.

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга аввало, талабчан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келади. Нима учун? Чунки мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлган. Ҳаётга илк йўлланмани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

Шу сабабли биз синф раҳбарларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўряпмиз. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилади. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Ўрни келганда айтмоқчиманки, мен бугун имзолаган Фармон билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланди.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошидаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш керак.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва ғурури тикланаётгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазифамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бутун жамиятимизнинг бурчига айланишини истардим.

**Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.**

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини ўйлаб, ўқитувчи ва муаллимларнинг ҳаётимиздаги нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилашни таклиф қиламан. Ушбу қонунда ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чоралари кафолатланиши керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми аниқ белгиланиши лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта кўриб чиқилиши зарур. Амалда бу масала ўта мураккаблиги ва ортиқча қоғозбозлик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда аксарият эскирган қонуности ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, бошқа ишларга жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.**

Қонунда, шунингдек, мактаб директорига қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазифалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда ҳисобот бериш тартибини белгилаш зарур.

Мактаб директори лавозимини танлов асосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурга эга номзод эгаллаши керак. Энди мактаб директори йил якуни бўйича дастур ижроси ҳақида маҳаллий кенгашда ҳисобот беради ва унинг фаолиятига халқ вакиллари томонидан очиқ-ойдин баҳо бериб борилади. Мактаб директорига интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш масалалари ҳам маҳаллий кенгашлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Парламентимиз аъзоларидан маҳаллий кенгашларнинг мактаблар билан ишлаш тизимини алоҳида назоратга олиб, ушбу жараёнларга яқиндан кўмак беришларини сўрайман. Олий Мажлис палаталари (Т.Норбоева, Н.Исмоилов) икки ой муддатда умумтаълим мактаблари билан ишлашни янада кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш харажатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўргазма қуроллари билан тўлиқ таъминлаш лозим.

Афсуски, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмаяпти. Уларнинг фаолияти асосан хўжалик ишларини назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўллашдан иборат бўлиб, таълим сифати билан шуғулланиш иккинчи даражали масалага айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг мақомини оширишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бундан буён туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳокимнинг маориф бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради ва бевосита ҳокимлик биносида ўтиради. Шунга мос равишда уларга зарур ваколатлар берилади.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда алоҳида жамғарма ташкил этсак, нима дейсизлар?

Жамғарма маблағлари илғор ва намунали мактаб раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлимлари методистларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда ушбу жамғармани ташкил этиш ва унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрласин.

Қадрли дўстлар!

Кейинги вақтда мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланиб, соҳа ривожида янги давр бошланганидан хабардорсиз. Ана шу ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги икки йилда 556 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 77 та янги мактаб қурилди. 1 минг 930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтгача мавжуд бўлган қишлоқ мактабларидаги “Қўлбола печка”лар ҳам тўлиқ алмаштирилмоқда. Юзлаб мактабларда электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур бинолар барпо этилди. 6 мингга яқин мактаб юқори тезликдаги Интернетга уланди.

Давоми 3-бетда

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланиши 1-, 2-бетларда

Шу билан бирга, хусусий таълим тизимига кенг йўл очилмоқда. Бу борада лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Ўтган уч йил давомида уларнинг сони 6 марта ошиб, 140 тага етгани диққатга сазовордир.

Мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда.

Математика ҳамда кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдик. Уларга асосан ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларга ихтисослашган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида математика йўналишида 56 та, кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилгани бу ишларнинг бошланишидир.

Математика, кимё, биология, ахборот тизимлари ва информатика фанлари бўйича сертификация тизимини жорий этишни бошладик. Ўрта таълим тизимида иқтидорли ўқувчилар ва ўқитувчилар билимини баҳолаш тизимини кенгайтириш мақсадида бошқа асосий фанлар бўйича ҳам сертификация тизимини жорий этиш зарур.

Хабарингиз бор, пойтахтимизда Муҳаммад Хоразмий номида ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган янги мактаб очдик. Айни пайтда фарзандларимизнинг "ай-ти" технологияларга қизиқишини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида жорий йилда — 14 та, келгуси йилда — 82 та, 2022 йилда — 64 та, 2023 йилда — 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман ва шаҳарлар қамраб олинади.

Ўқитувчилар ишини енгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини якунлаб, "Онлайн мактаб", "Рақамли ва хавфсиз мактаб", "Электрон дарслик", "Электрон кундалик" каби тизимлар жорий этилади. 2020 йил охиригача мактабларни кенг полосали Интернет тармоғига улаш даражаси 70 фоизга етказилади. Келгусида барча мактаблар 100 фоиз Интернет билан таъминланади ва бунинг учун Давлат бюджети маблағлари йўналтирилади.

Биз халқаро фан олимпиадалари ғолиблари ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйдик. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медаль олса, совриндор ўқувчига ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчига ҳам нари борса битта фахрий ёрлиқ беришарди. Ҳозир улар миллионлаб пул мукофоти билан тақдирланмоқда.

Бу рағбатлантириш тизими амалда ижобий натижа бера бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман. Пандемия шароитига қарамасдан, ўқувчи ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаётгани барчамизни қувонтиради. Хусусан, бу йил 28 нафар иқтидорли ўғил-қизимиз ана шундай олимпиадаларда 2 та олтин, 8 та кумуш, 15 та бронза медаль ҳамда 3 та дипломни қўлга киритгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Ушбу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида, Халқ таълими вазирлиги қошидаги Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти фаолиятини кучайтириш, вазирнинг биринчи ўринбосарини бу масала бўйича бевосита масъул этиб белгилаш лозим.

Биз кейинги пайтда таълим соҳасида мутлақо янги тизим яратиш мақсадида ташкил этишни бошлаган Президент ва ижод мактаблари зиммасига барча умумтаълим мактаблари учун ўрнак ва андоза бўлиш вазифаси юклатилган. Афсуски, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг (С.Бобохўжаев) бу борадаги жонбозлиги ва ташаббускорлиги ҳали-ҳануз сезилмаяпти.

Айни вақтда, кўзлаган мақсадларимизга эришиш учун, мактабнинг ҳам масъулиятини оширадиган вақт келди. Бу — давр талаби. "**Қарс икки қўлдан чиқади",** дейди халқимиз.

Бугун шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик, нега қанчадан-қанча мактабларда битирувчиларнинг 10 фоизи ҳам олийгоҳларга кира олмаяпти? Ота-оналар репетитор ёллаб, пул тўлаб болаларини ўқишга тайёрлашга мажбур бўляпти.

Савол туғилади: нима учун аксарият мактабларимиз 11 йил ўқитган ўқувчилар олийгоҳга кира олмаяпти-ю, репетитор 2 йилда бунга эришяпти?

Бу саволлар ҳар бир мактаб ўқитувчиси, жамоаси ва директорини, ҳар қайси виждонли педагогни ўйлантириши зарур, деб ўйлайман.

Энди мактаб жамоатчилик олдида ҳисобот берадиган бўлади. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-ҳунарга эга бўлиши шарт. Айнан шу мезон асосида мактаб жамоаси ва директори фаолиятига баҳо берилади.

**Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак.**

Бундай устозлар қўлида таълим олган фарзандларимиз биз орзу қилган Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади. Лекин бу юксак натижаларга эришиш учун таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишимиз лозим.

Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари асосан ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли Республика таълим маркази фаолияти замонавий талаблар асосида тубдан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши керак. Ушбу марказнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир ўринбосари Б.Мусаев томонидан шахсан мувофиқлаштирилиши ва назоратга олиниши зарур.

Бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослашган синфларда ўқитишни давом эттириш тизимини жорий этиш лозим. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси навбатдаги ўқув йилидан бошлаб 4-синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ва йўналтириш тартибини амалиётга киритиши керак.

Ҳозирги пайтда умумтаълим муассасаларининг олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади. Кўплаб мактаблар, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим масканларида бир қатор фанлар бўйича малакали ўқитувчилар етишмаяпти. Шу муносабат билан педагог кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамиша эътиборимиз марказида туриши зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари ўз ҳудудидаги педагог кадрлар тайёрлайдиган университет ва институтлар билан жиддий ишлаши керак. Ушбу олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчиларига ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, санаторий ва курортларда даволанишини ташкил этиш масалалари шахсан ҳудуд раҳбарининг назоратида туриши лозим. Чунки, эътибор қаратадиган бўлсак, жойлардаги ҳамма мутахассиснинг — фермер ёки инженерни оласизми, бошқа касб вакилларини оласизми, ҳаммасига эътибор ва ғамхўрлик қиладиган ташкилотлар бор. Фақат ўқитувчининг, ўқитувчи тайёрлайдиган институтларнинг, таъбир жоиз бўлса, жойларда "эгаси" йўқ.

Такрор айтаман, энди бу масала билан шахсан ҳокимлар шуғулланади.

Бугунги тез ўзгараётган замонда, барча соҳаларда ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш ҳал қилувчи масалага айланган бир пайтда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими бу талаблардан орқада қолмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бор. Минг афсуски, бу институтнинг исми жисмига мос эмас. Улуғ маърифатпарвар илгари сурган ва муваффақиятли амалга оширган ғоялар, замонавий таълим методикасини ишлаб чиқиш масалалари институт фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топа олмаётганини айтишга мажбурмиз.

Шу муносабат билан мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини танқидий кўриб чиқиш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги институт фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш талаб этилади.

Мазкур таълим даргоҳи ҳудудлардаги университетлар ва педагогика институтлари билан биргаликда туман халқ таълими бўлими мудирлари ва мактаб директорларининг малакасини ошириш, ўқитишнинг замонавий методикаларини яратиш, масофавий таълим бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши керак.

Соҳада рақобатни таъминлаш мақсадида нодавлат таълим ташкилотларини ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига жалб қилиш вақти келди. Бу жараёнда ўқитиш харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ йўналтирилади.

Ўрнак кўрсатган ўқитувчилар учун мажбурий малака ошириш талабларини бекор қилиш, уларнинг фаолиятини бевосита ўқувчилари олган билим даражаси билан баҳолашни назарда тутиш лозим. Ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган педагогларга олий малака тоифаси тўғридан-тўғри тақдим этилиши керак.

Эндиликда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг янги тизими жорий этилади. Яъни, ўқитувчилар бевосита малака ошириш марказларига бормасдан, масофадан туриб ўз касбий кўникмаларини доимий ривожлантириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, таълим сифатини оширишга кўмаклашадиган ва ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланишига амалий ёрдам кўрсатадиган устоз-шогирд тизими ташкил қилинади ва уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилади.

Мактабларда информатика, кимё, хорижий тиллар каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида педагогик бўлмаган йўналишлар бўйича олий таълим олаётган ёшлар учун қисқа муддатли педагогик курслар ташкил қилинади.

Муаллим ва ўқитувчиларнинг билими ва малакасини ошириш ҳақида гапирганда, бугун жамиятимизда долзарб бўлиб турган яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Айтинг-чи, ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини ошириши учун қўшимча методик ёрдамни қаердан олади? Албатта, шу соҳага оид китоб ва қўлланмалардан, махсус педагогик нашрлардан олади.

Афсуски, биз кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар.

Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу — Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммога айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда босма матбуот нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган беш муҳим ташаббус доирасида ҳам ижобий ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатларни давом эттириш, айниқса, мусиқа ва санъат, ахборот технологиялари ва спорт тўгараклари фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш алоҳида диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида "Тарбия" фанини жорий этмоқдамиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий қадриятларимиз асосида яратган "Туркий "Гулистон" ёхуд ахлоқ" асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз "Тарбия" фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Хабарингиз бор, бир йил олдин ўтказилган селектор йиғилишида халқ таълимини ривожлантиришни умуммиллий мақсад, умумхалқ ҳаракати сифатида белгилаб олган эдик. Ушбу ҳаракат доирасида барча поғонадаги раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари мактабларни оталиққа олган эди. Шундан сўнг ҳокимларимиз "урра-уррачилик" билан бир муддат мактабга киргандек бўлди, буни "ойнаи жаҳон"да намойиш ҳам қилди. Лекин шу билан тамом — мактаб эсимиздан чиқди.

Такрор айтаман, бугун мактабга кирмаган, мактабнинг, ёш авлоднинг дарду ташвишлари билан яшамаган раҳбарни эртага ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам институционал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Энди ҳокимлар иш вақтининг фақат 10-15 фоизини қишлоқ хўжалиги соҳасига сарфлайдиган шароит вужудга келмоқда. Қолган вақтда улар ижтимоий масалалар, аввало, таълим-тарбия, маънавият билан бевосита шуғулланишлари лозим.

Мана, ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳамма фермерларни номма-ном билади. Лекин мактаб директорларини, илғор синф раҳбарларини, фаол ўқитувчиларни-чи? Бугун бу борада қайси ҳокимни ибрат, намуна қилиб кўрсата оламиз? Афсуски, жавоб йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунни албатта мактабга бағишлаши керак.

**Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз лозим. Мактаб — фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.**

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида янги шаклдаги муассасалар тармоғи йўлга қўйилаётганидан барчангиз хабардорсиз. Жумладан, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси — касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар яқин кунларда ўз фаолиятини бошлайди. Уларда 200 мингдан ортиқ ўқувчилар бугунги талабларга жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида таълим олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Ҳудудларнинг раҳбарлари эса битириб чиқаётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳақида бош қотириши зарур.

Қадрли юртдошлар!

Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўчоқлари ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Шуни ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Янги-янги олий ўқув юртлари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юртларининг сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртқи ва кечки таълим шаклларини қайта тикладик, қабул квоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етган бўлса-да, биз бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларида малака ошириши ва стажировка ўташини таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар оширилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Айни пайтда олий таълим соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш учун қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Аввало, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, айниқса, ҳудудларда нодавлат олий ўқув юртларини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юртлари ташкил этиляпти. Лекин, нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмаяпти?

Аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётганини ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар улуши ўртача 37 фоиз экани бизни қониқтирмайди. Ҳудудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам ҳали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жиддий хулоса қилишимиз керак.

Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак. Ушбу муассасаларда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини 3 баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини 4 марта кўпайтириш зарур.

Бугун "рақамли иқтисодиёт" деган тушунча дунёда энг долзарб масалага айланганини барчамиз кўриб турибмиз. Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Барчамиз бу масалани чуқур англаган ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиддий ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ишга бугун киришмасак, эртага кеч бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиши зарур.

Муҳтарам дўстлар!

Ёдингизда бўлса, давлат раҳбари сифатидаги менинг биринчи учрашувим 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз академиклари билан бўлиб ўтган эди. Бу пайтда Фанлар академияси муаммолар гирдобига ботиб қолган, унга охирги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Оқибатда ўтган давр мобайнида академикларнинг сони 2 баробар қисқариб, 63 нафар академик қолган эди, холос.

Биз академияни, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариб, соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш учун зарур амалий чораларни кўрдик. 32 нафар янги академик сайланди. Фанлар академиясининг фаолиятини давлат бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Жумладан, 40 та илмий лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мақсадлар учун биргина Фанлар академиясининг институтларига қарийб 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Биз жамиятимизда илм-фаннинг қадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўлида жиддий ҳаракат қиляпмиз. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, ўша учрашувда билдирилган аксарият вазифа ва топшириқлар бугун ҳам долзарб бўлиб, уларни тўлақонли амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

Шахсан мен жонкуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, илм-фанни тараққиётимизнинг драйверига айлантириб, мамлакат ривожига хизмат қиладиган муҳим кашфиётлар яратишларига ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домлалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги туфайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яхши тушунамизки, булар — катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё миқёсидаги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртдошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: **азиз дўстлар, биродарлар, агар интилсак, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, "илиги тўқ" халқмиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.**

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш — беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Биз Худо берган истеъдодга парвариш зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар қандай иқтидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Мана, Темурийлар даврини эслайлик, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомийлик бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуғ алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёркин намоён бўлмас эди.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса — яратамиз.

Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янглишади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эртами-кечми, албатта тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуғ аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: **"Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир".**

**Чиндан ҳам, бугун биз улуғ ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.**

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуғ ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Азиз муаллимлар, муҳтарам домлалар!

**Мен янги Ўзбекистонни — обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.**

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо фарзандларингиз, шогирдларингиз, элу юртимиз ҳурмати ва ардоғида бўлиш бахти насиб этсин, азиз устозлар!

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 октябрь, 188-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Рахманова Раънохон Мухтаровна** — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Аслонова Мухтарам Аскаровна** — С.Ҳ.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Кушенова Канзира Карбаевна** — Томди туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Узакбаева Роза Сарсеновна** — Қорақалпоғистон Республикаси 1-Меҳрибонлик уйи ўқитувчиси

**Ишанкулов Артикбай** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейи директори

### “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

**Мусаев Абдурашит Ибрахимович** — Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг эшкак эшиш бўйича катта мураббийи, Тошкент вилояти

**Ходжаев Равшан Илханович** — Бухоро ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Бухоро вилояти

### “ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

**Арипов Мерсаид** — Ўзбекистон Миллий университетининг амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси профессори

**Бабоева Сабира Хасановна** — Гулистон туманидаги 27-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Шадиев Турсун** — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг “ЮНЕСКО” кафедраси мудири

### “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаева Зайнабжан Худайбергеновна** — Элликқалъа туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдураимова Зулфия Хаитовна** — Юнусобод туманидаги 250-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Абдурахманова Саломат Шукриевна** — Мирзаобод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 8-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Азизов Алихан Шарапович** — От спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби бош мураббийи

**Боранбаева Саодат Хасановна** — Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактабининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Грибанова Татьяна Александровна** — Мирobод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Губина Галина Фёдоровна** — Зарафшон шаҳридаги 3-мактабгача таълим муассасаси мудири, Навоий вилояти

**Зайнутдинова Муйнисхон Исмоиловна** — Чуст туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Камалова Диларом Туваловна** — Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Краснолобова Наталия Рафаэловна** — Нурафшон шаҳридаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Мавлонов Оқилжон Тахирович** — Ўзбекистон туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мамажонова Иноятхон Ахмаджоновна** — Булоқбоши туманидаги 14-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мирзамова Мавсуда Абдукаххаровна** — Наманган шаҳридаги 82-умумий ўрта таълим мактаби директори, Наманган вилояти

**Мокрова Людмила Федоровна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи фортепиано ўқитувчиси

**Рахимов Ҳошим Темирович** — Ғиждувон туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Салиджанова Анжелика Анваровна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Санаева Рахима Амирқуловна** — Самарқанд шаҳридаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Туляганов Дилшат Убайдуллаевич** — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг табиий ва математика фанлари кафедраси мудири

**Узаков Карим Эргашович** — Ғузор туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Фозилов Нишонбой Арабович** — Зомин туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйи директори, Жиззах вилояти

**Хайитова Гулбинисо Очилдиевна** — Жарқўрғон туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Шамсутдинова Оптобхон Максудалиевна** — Меҳнат фахрийси, Фарғона вилояти

**Шаумарова Мухая** — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси профессори

**Юлдашева Равза Тажиддиновна** — Олмалиқ шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

### II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН

**Жуммаев Турсунмурод Ражабович** — Музработ туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактабининг “Ёш табиатшунослар” тўгараги раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Кенжаева Фарида Жумаевна** — Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори, Тошкент вилояти

**Муминова Нафиса Гайбуллаевна** — Мирзаобод туманидаги 11-мактабгача таълим муассасаси мудири, Сирдарё вилояти

**Муминова Одинахон Тоштемировна** — Олтиариқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Раупова Дилбар Махмудовна** — Когон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 5-В синф раҳбари, бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Реджапова Донахон Холқўчқаровна** — Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси тарбиячиси, Андижон вилояти

**Тиллаева Феруза Рахимовна** — Боғот туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Токарева Ирина Александровна** — Юнусобод туманидаги 259-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Усарова Санталат Утаевна** — Мирзачўл туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Усманова Муяссар Жураевна** — Косон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Хусенова Замира Носировна** — Яшнобод туманидаги 244-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Якубова Гулчехра Уктамовна** — Самарқанд шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Янгибоева Юлдуз Абдираҳматовна** — Яккабоғ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

### “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаева Гулнора Тулановна** — Фарғона шаҳридаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Фарғона вилояти

**Адизова Дилором Облокуловна** — Нурота туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Алимухамедова Магмура Маликовна** — Меҳнат фахрийси, кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Бахранова Зоя Анатолевна** — Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими мудири, Навоий вилояти

**Бобоев Ахмеджон Боевич** — Сариосиё тумани халқ таълими бўлими бош методисти, Сурхондарё вилояти

**Борисова Ирина Леонидовна** — Мирobод туманидаги 83-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ботиров Низомидин** — Оққўрғон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент вилояти

**Гадаева Манзура Уруновна** — Когон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Гадоева Мусаллам Нуриддиновна** — Узун туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг 6-А синф раҳбари, адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Гладкова Любовь Ефимовна** — Янгийўл шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ғойибова Дилбар Жўрақуловна** — Бухоро давлат университети қошидаги Қоракўл академик лицейи биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Джуманова Рамиза Хайруллаевна** — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Елеушинова Салтанат Дауирхановна** — Конимех туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Жаббарова Хадича Садиковна** — Шўрчи туманидаги 68-ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Звонова Елена Юревна** — Муборак туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Зиятдинова Генара Митхатовна** — “Elite Education Alternativa Sehriyo” нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

**Зуфаров Рустам Ахмедович** — Тошкент давлат юридик университетининг жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори

**Ибрагимов Анатолий Касимович** — Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

**Исматуллаев Патхулла Рахматович** — Тошкент давлат техника университетининг метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси профессори

**Куранбеков Ахматкул** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг эрон-афғон филологияси кафедраси профессори

**Мирзаева Муазамхон Ашуралиевна** — Фарғона туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг 7-А синф раҳбари, немис тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ортиков Исроилжон Собирович** — Пахтаобод туманидаги 32-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Раббимова Хулкар Раббимовна** — Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Разаков Батирбай Турсинбаевич** — Хўжайли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Раимқулова Шоира Махматкуловна** — Боёвут туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Реймов Ахмед Мамбеткаримович** — Қорақалпоқ давлат университети ректори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Саримсақова Гулзода Матлабовна** — Фориш туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Тожиев Ғуломжон Ахмедович** — Ҳазорасп туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Тошкулов Абдукодир Хамидович** — Термиз давлат университети ректори, Сурхондарё вилояти

**Усманов Абдулхай Патхиддинович** — Тўрақўрғон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Усмонова Дилбархон Исмоновна** — Ёзёвон туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Уснатдинова Жумагул Шараповна** — Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири

**Юлдашев Сайдали Арипович** — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича мураббийи

**Юлдашев Уришбай** — Жиззах политехника институтининг электроэнергетика кафедраси профессори, Жиззах вилояти

**Юсупов Абдурашид Самадович** — Наманган туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

### “СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдижамилова Турганбике Сарсенбаевна** — Қўнғирот тумани мактабгача таълим бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдувалиев Андрей Хакимович** — Енгил атлетика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори

**Азизова Рахбархон Мухиддиновна** — Қизилтепа туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ахмедов Салохиддин Мухтарович** — Булоқбоши туманидаги 1-касб-ҳунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Бакиров Поян Уралович** — Термиз давлат университетининг рус филологияси факультети декани, Сурхондарё вилояти

**Бегматов Исмоилжон Абдуллаевич** — Косонсой туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Бектемиров Хамро Солаевич** — Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

**Вахобов Азимжон Абдумуталович** — Учқўрғон тумани ҳокими, Наманган вилояти

**Давлатова Мархабо Комиловна** — Хива шаҳридаги Президент мактабининг биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Жураев Шухрат Нуруллаевич** — Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд кўзмунчоғи” нодавлат мактабгача таълим муассасаси директори, Самарқанд вилояти

**Ибодуллаева Дилором Муродуллаевна** — Тайлоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Кадирова Фатима Рашидовна** — Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори

**Карабаев Маматхан Садирович** — Геология фанлари университетининг фойдали қазилма конларини излаш ва қидириш кафедраси мудири

**Кучкаров Шакир Усканович** — Бўстонлиқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Кучкарова Камила Мирожидиновна** — Фарғона “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Қодиров Азизжон Муртазоевич** — Хатирчи туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг 8-Б синф раҳбари, кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Латипов Фарҳод Қурбонович** — Бухоро вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

**Мамадалиева Мохирахон Йигиталиевна** — Учкўприк туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Мирзаев Фархад Камбарович** — Янгийўл шаҳар ҳокими, Тошкент вилояти

**Мирзаева Умидахон Инамовна** — Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Наврузов Фирдавс Шавкатович** — Бухоро шаҳридаги “The Knowledge Academy” нодавлат таълим муассасаси директори, Бухоро вилояти

**Нематова Сапура Мустафақуловна** — Бахмал туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг 7-А синф раҳбари, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ниёзов Холмирза Узганович** — Олтиариқ тумани ҳокими, Фарғона вилояти

**Очилов Эркин Шукурович** — Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Пардаев Тургун Халиярович** — Ангор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ражабов Барна Журакулович** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи

**Ражапов Вохобжон Туражанович** — Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи

**Розикова Махлиё Азаматовна** — Мирobод туманидаги 213-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Садиқова Шоира Ибрахимовна** — Чилонзор туманидаги 202-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Узокова Олия Кадировна** — Қарши шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

**Халилова Зилола Ураловна** — Сардоба туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Хамдамова Нигорахон Мамадалиевна** — Юнусобод туманидаги 98-умумий ўрта таълим мактабининг 11-Б синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Юсупова Хилола Каримжановна** — Наманган вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

**Янгибаев Бахадир** — Шуманай тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

### “ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаева Раъно Нумановна** — Андижон шаҳридаги 35-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 4-Б синф раҳбари, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Азизова Нодира Кудратуллаевна** — Яккасарой туманидаги 144-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Алламова Назакат Азадовна** — Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг тарих фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Алмарданова Хадича Саттаровна** — Шўрчи туманидаги “Happy Kids” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

**Анаркулова Барно Рахматовна** — Янгийўл шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг 9-Б синф раҳбари, технология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Аралова Икбол Акмаловна** — Деҳқонобод туманидаги 85-умумий ўрта таълим мактабининг 7-А синф раҳбари, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Атаев Раджаб Рахимович** — Бухоро туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Атажанов Сарвар Султанбаевич** — Урганч шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф раҳбари, миллий ғоя ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Ахмедов Баходир Бобомуродович** — Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг биринчи тоифали лектори

**Бадалова Наргиза Дадоевна** — Оқолтин туманидаги 8-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Бобоева Гуласал Жомғировна** — Қизириқ туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Болиқулов Аслиддин Холдорович** — Ховос туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Геворкян Лаура Кареновна** — Юнусобод туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Гулматов Баходир Хабибуллаевич** — Наманган шаҳридаги Президент мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Давлатов Абдуллажон Абдуламидович** — Чортоқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 8-Б синф раҳбари, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Джалалов Темур Асфандиярович** — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Джураева Шохида Мирзахматовна** — Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Жўраев Фарход Исроилович** — С.Ҳ.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

**Ибодова Маҳфуза Намозовна** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Исломова Зилолахон Ўринбоевна** — Асака туманидаги 27-мактабгача таълим муассасаси услубчи-тарбиячиси, Андижон вилояти

**Исматова Нигорахон Ҳайитовна** — Чироқчи туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Исмоилова Раънохон Пазилдиновна** — Бағдод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Карабеков Журабек Таджибаевич** — Зарбдор туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Ким Екатерина Яковлевна** — Мирзо Улуғбек туманидаги “Интеллект” нодавлат таълим муассасасининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Крилов Сергей Александрович** — Мирobод туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Кулдошев Хусан Устаевич** — Дўстлик туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Кутлиева Ирода Аллабергановна** — Урганч туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Марадова Байрамгул Нодировна** — Қоровулбозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Меджитова Эльзара Ризаевна** — Учтепа туманидаги 107-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Музаффарова Оқила Абдураҳмоновна** — Жондор туманидаги “Мадина-Мирзо” нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Бухоро вилояти

**Муродова Дилфуза Абдиқодировна** — Касби туманидаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Мусурманова Нодира Хакимовна** — Зомин туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Наржигитов Хусанбай** — Гулистон давлат университетининг математика кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

**Одилов Камолиддин Салохиддинович** — Каттақўрғон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Очилова Камолахон Махмудовна** — Сергели туманидаги 329-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Рахимова Шалолахон Обитжоновна** — Поп туманидаги 50-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Рахимходжаева Нодира Саидахраловна** — Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг етакчи ўқитувчиси — Банк ва молия мактаби раҳбари

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-, 4-бетларда

**Рахманова Адиба Абдурахмоновна** — Марғилон шаҳридаги "Happy baby" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Фарғона вилояти

**Рахматов Лазизхон Темирхонович** — Самарқанд шаҳридаги "Redbridge schools" нодавлат таълим муассасаси директори, Самарқанд вилояти

**Рахматова Шахноза Исматуллаевна** — Самарқанд шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Рўзметова Севара Ачиловна** — Қўшкўпир туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Хоразм вилояти

**Сабурова Гўзал Кадирбергановна** — Беруний туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 5-А синф раҳбари, тарих фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сагиева Гулайим Абатбаевна** — Қонликўл туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Садиқова Нафиса Бобаназаровна** — Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

**Самандарова Майрам Абдукаюмовна** — Бекобод туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Суярова Гулбахор Сайдуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Тиллабоева Гулбахор Ахмаджановна** — Избоскан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Тоғаев Алишер Шералиевич** — Хатирчи туманидаги 88-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тошпулатова Гулжахон Абдурафиковна** — Самарқанд туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Тўйчиева Барнохон** — Шаҳрихон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Умаров Алихан Ахмадович** — Бухоро нефть ва газ саноати коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Усманова Диларам Шарафовна** — Фарғона шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Утеназарова Зияда Алланазаровна** — Нукус шаҳридаги "Нукус Зияда Нур" нодавлат таълим муассасаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хайдаров Дилшод Мамарасулович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

**Халикулов Али Бувалиевич** — Тошкент давлат техника университети қошидаги Қўқон нефть ва газ саноати техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Хамроева Зебинисо Холмаматовна** — Бойсун туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хасанова Севара Ғиёсиддиновна** — Чилонзор туманидаги 217-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Ходжаев Анвар Закирович** — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг оғир атлетика, велоспорт, от спорти назарияси ва услубияти кафедраси мудири

**Хожабаев Айбек Жумабаевич** — Тахиатош туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Худайберганова Айдин Темировна** — Олмазор туманидаги 102-заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати тарбиячиси, Тошкент шаҳри

**Хўжақулов Беҳзод Абдусатторович** — Миробод тумани халқ таълими бўлими мудири, Тошкент шаҳри

**Эгамбердиева Дилбар Рахимбердиевна** — Хонқа туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Эрназарова Гулнозахон Рахматиллаевна** — Данғара туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Юлдашева Нилуфар Абдурауфовна** — Қибрай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Юлчибаева Раънохон Маматкадировна** — Жалақудуқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ярашева Нигора Ҳазратқуловна** — Вобкент туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Молия вазирлиги:

а) Палатага қуйидаги масалаларда кўмаклашсин:

солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш курсларини, шу жумладан, масофадан ўқитиш шаклида ташкил этиш;

солиқ маслаҳатчиларининг малака имтиҳонларини тайёрлаш ва ўтказиш;

б) ўзининг расмий сайтида солиқ маслаҳатчилари реестрини жойлаштириш ва мунтазам равишда янгилаб боришни таъминласин.

4. Белгиландинки, солиқ маслаҳатчиси адвокатлик тузилмалари, аудиторлик ташкилотлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматларни кўрсатувчи бошқа юридик шахсларнинг штатида меҳнат фаолиятини олиб борган тақдирда, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги учун унинг **малака сертификати амал қилишини тугатишга йўл қўйилмайди.**

5. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Палатанинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Давлат солиқ қўмитаси томонидан **Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳуқуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини** (кейинги ўринларда — Рўйхат) юритиш;

**"таваккалчиликни таҳлил қилиш" автоматлаштирилган ахборот тизими** воситасида аниқланадиган, йиллик айланмаси **охирги уч йил мобайнида 1 миллиард сўмгача** бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ихтиёрий тугатилганда Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича хулосалари солиқ органлари томонидан тан олиниши.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 январдан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида "солиқлар ва солиққа тортиш" ҳамда "бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналишлари бўйича 4-курс бакалавриатининг ўқув дастурларига "солиқ маслаҳати" фани киритилишини таъминласин.

7. Палата Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) бир ой муддатда солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш **ўқув дастурини** тасдиқласин. Бунда **давлат солиқ хизмати органларида иш стажига** ва (ёки) аудитор сертификатига эга бўлган талабгорлар учун **ўқув дастурини** оптималлаштириш назарда тутилсин;

б) икки ой муддатда:

ўқув жараёнига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва солиқ маслаҳатига ўқишни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан уларга риоя қилиниши устидан мониторинг олиб борсин;

масофадан ўқитиш шаклидаги солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш курслари ташкил этилишини таъминласин.

8. Солиқ маслаҳатчиларига судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида солиқ солиш, солиқ органларининг ҳужжатлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда **ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари, аудио ва видео ёзиш қурилмаларидан фойдаланиш ҳуқуқи** берилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

а) **икки ой муддатда:**

Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

б) **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Рўйхатни юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартибини:

ўз фаолиятини бир йилдан ортиқ муддат давомида амалга ошираётган ва штатида камида бир йиллик солиқ маслаҳатчиси стажига эга солиқ маслаҳатчилари бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини Рўйхатга киритиш;

солиқларга доир берилган хулоса доирасида ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан яширилганлиги ёки қасддан бузиб кўрсатилганлиги ҳолатлари солиқ органлари томонидан аниқланганда уларни Рўйхатдан чиқариш;

Рўйхатни Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтида жойлаштириш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

в) **2021 йилнинг 1 апрелига қадар** солиқ маслаҳати соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг асосий қоидаларини белгиловчи ҳамда самарали фаолият кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантиришга имкон берувчи янги таҳрирдаги "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 сентябрь

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди. Бу — таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг яққол далили.

**— Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ўқитувчилик шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли ва мураккаб касб. Юртимизда мазкур касб эгаларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар педагоглардан ўз ишига янада садоқат ва фидойилик билан ёндашишни, кенг ва замонавий тафаккур соҳиби бўлишни талаб этмоқда. Мактабгача таълим ҳамда олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилган ишларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам, инсон тарбиясида, камолотида устозларнинг хизматлари улуғ. Бу йилги пандемия билан боғлиқ қийин шароитда ҳам жонкуяр ўқитувчилар ўз ишини давом эттирмоқда. Аксарият мактабларда янги ўқув йили бошланди. "Онлайн мактаб" лойиҳаси ва масофавий таълим йўлга қўйилди. Таъбир жоиз бўлса, бугун ўқитувчилар иккита фронтда кураш олиб бормоқда.

Президент тарихга назар солиб, IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади.

**— Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас", деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар, — дея таъкидлади Президент. Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан имзоланган фармонга мувофиқ, халқимизнинг озодлиги ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган маърифатпарварлар Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.**

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармонига мувофиқ, мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ устоз ва мураббийлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди.

**Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади.**

**— Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак, — деди Президент.**

**— Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак.**

Қайд этиш лозимки, бу галги байрам тадбири ўзига хос тарихий мулоқот шаклида ўтди, дейиш мумкин.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан устоз ва мураббийлар таълимдаги муаммоларга ечим топиш, соҳани янада ривожлантиришга оид амалий таклифларини билдирдилар.

Президентимиз ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги, айниқса, қишлоқлардаги мактаблар ҳолатидан доимий хабардор бўлиши, у ердаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиши лозимлигини таъкидлади.

**— Биз кўзи ёниб турган истеъдодли ёшларга шароит яратмасак, ҳеч қачон мақсадга эриша олмаймиз. Агар олинган билим пухта бўлсагина диплом ўз кучини кўрсатади. Бунинг учун ёшларга мактабда сифатли таълим бериш лозим. Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади, — деди давлатимиз раҳбари.**

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

# САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИГА ДОИР

**Душанбе шаҳрида 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода раҳбарлигида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг қатъий сиёсий иродаси ва оқилона саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа фурсатда мамлакатларимиз ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига чиқди. 2018 йилдаги олий даражадаги ўзаро ташрифлар ўзбек ва тожик халқларини кўп йиллар давомида қийнаб келган муаммолар ечилишига сабаб бўлди. Чегаралар очилгани, ҳаво, автобус, темир йўл қатнови тиклангани, виза тартиби бекор қилингани халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Йиғилишда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув якунлари юзасидан Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши баёни имзоланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон — Тожикистон ишбилармон доиралари бизнес форуми ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ўтказилди. Ўзаро мулоқот давомида икки мамлакат бизнесменлари манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболини муҳокама қилдилар.

Йиғилиш доирасида умумий қиймати 712 миллион доллардан ортиқ қийматга эга инвестиция ва экспорт-импорт шартномалари имзоланди.

Ташриф доирасида "Artel Avesto Electronics" Ўзбекистон — Тожикистон қўшма корхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон қабул қилди.

**ЎзА**

Мен шу касб эгаси эканимдан, шу юрт келажаги эгаларига таълим-тарбия бераётганимдан бахтлиман ва ҳамиша ҳар бир ўқувчимни “менинг фарзандларим”, деган мақсад билан ишлашга шайман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 1 октябрь, 188-сон

**1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни**



# Энг катта бойлик — бу ақл-заковат, илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир

*Мамлакатимизда устоз-мураббийларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш мақсадида ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кўтаринки кайфиятда нишонланади. Анъанага мувофиқ, бу йил қутлуғ санага бағишланган тантанали маросим Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, ўқитувчи ва мураббийларга байрам табригини йўллади. Ушбу байрам биринчи марта давлат раҳбари иштирокида ўтгани юртимизда таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол далили бўлди. Касб эгаларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.*





**Дилбар НОРМУРОДОВА, Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқитувчиси:**

— Давлатимиз раҳбарининг биз, педагогларга мурожаатини видеоконференцалоқа орқали кўриб тингладик. Чуқур таҳлил, теран мушоҳада устуворлик қилган бу галги табрикда олдимизга шунчаки таълим-тарбия беришдан-да улуғ вазифалар қўйилганини англадик. Учинчи Ренессансга қадам қўйган эканмиз, биз ўқитаётган болалар орасидан Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Али Қушчи сингари юксак заковат соҳиблари чиқишини мақсад қилишимиз зарурлигини юракдан ўтказдик. Чунки мана шундай катта ниятни дилга тугиб, шижоат билан ишлашимиз, таълим беришимиз учун яратилган шарт-шароит баъзи ривожланган давлатларникидан кам эмас.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтишим даркор: ўттиз уч йиллик иш фаолиятимнинг фақатгина кейинги уч йилида бу байрамни мактаб қучоғида касбдошларим билан бирга нишонлаяпмиз. Авваллари шу кунларда касб байрамимизни пахта даласида оддий кундай кутиб олар эдик. Бугун вазият мутлақо бошқача. Ўқитувчига эътибор қайтди, ҳурмат қайтди, мактаб аталмиш маскан қадр топди. Бугун ҳамманинг нигоҳи педагогда. Кўчада ҳам, уйда ҳам ўзгача қараш ва ўзгача нигоҳ. Ойлик маошларимизнинг босқичма-босқич оширилаётгани, имтиёзли кредит асосида уй-жойлар берилиши — буларнинг ҳаммаси муаллим зотига кўрсатилган юксак эътибор ва эъзоз намунаси. Устози улуғланган юрт ўқитувчиси сифатида ҳамиша байрам кайфиятини дилдан ҳис қилиб яшаяпман.

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан йўллаган байрам табригидаги “Шифокорлардан кейин ўқитувчиларни кун қаҳрамони дейиш мумкин”, деган эътирофи юрагимизда фахр уйғотган, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанс — Уйғониш даври фарзандлари тарбиясидаги масъулиятимизни янада оширган эди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Илм йўқ жойда жаҳолат бўлади, тўғри йўлдан адашиш бўлади”. Бу сўзлар айнан ўқитувчи учун айтилган. Чунки маърифат улашиб, намуна бўлсагина илмли шогирдлар сафи ортаверади. Табиийки, жаҳолат ҳам сўниб, барҳам топади.

Президентимизнинг “Шарқ донишмандлари айтганидек, энг катта бойлик — бу ақл-заковат, илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”, деган фикри сабаб бугун “Тарбия” дарслигининг ўқитилиши ҳам келажакка эътибордир.

Мен шу касб эгаси эканимдан, шу юрт келажаги эгаларига таълим-тарбия бераётганимдан бахтлиман ва ҳамиша ҳар бир ўқувчимни “менинг фарзандларим”, деган мақсад билан ишлашга шайман.



**Лутфия ҚОДИРОВА, Гулистон давлат университети тарих кафедраси доценти:**

— Биз, устоз ва мураббийларни оталаримизга менгзаган ва улар каби улуғлаган халқмиз. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки оталаримиз бизни тарбиялаб, вояга етказса, устозларимиз ҳам билим, ҳам тарбия беради. Шу боис, устозларга алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилади, ўқитувчилар байрами юртимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Шу ўринда айтиш жоизки, ўқитувчи ва мураббийлар куни саноқли мамлакатлардагина кенг байрам қилинади.

Афсуски, муайян бир даврда ўқитувчилар, умуман, таълимга эътибор сусайди. Бироқ сўнгги йилларда уларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди, юртимизда устоз деган номни улуғлаш, қадр-қимматини кўтариш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, соҳа вакилларига катта имкониятлар эшиги очилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантаналарда ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда янграган “халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс” даврига пойдевор яратилмоқда, деган сўзлари биз таълим соҳаси вакиллари, айниқса, тарихчилар зиммасига янада улкан масъулият юклайди.

X-XII асрларда содир бўлган Шарқ Уйғониш ва темурийлар ренессанси даврларида миллатнинг юксалиши, илму урфон ривожида маърифат ва зиё тарқатувчи устозларнинг ўрни беқиёс бўлган.

Янгиланаётган Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторига чиқиши учун жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислоҳотларни, аввало, таълим тизимидан, тарбия масаласидан бошлаётган экан, биз тарихчилар тарихни миллий ғурурни шакллантирувчи воситага айлантиришни ўзимнинг бурчимиз ва вазифамиз деб билишимиз лозим. Чунки миллий ғоя, миллий руҳ, миллий ўзлик, албатта, тарихга объектив муносабат воситасида шаклланади.

Юксалиш, энг аввало, кишилар онгида содир бўлиши керак. Бунинг учун биз талабаларга тарихни қуруқ фактлардан иборат эмас, олинган маълумотларни таҳлил чиғириғидан ўтказишга, тегишли хулосалар чиқаришга ўргатадиган фан сифатида ўқитсак, уларнинг ўз фикрларини эркин ва мустақил баён қилиш ва исботлашга ўргатсак, янги авлод шундагина бу юксалиш пойдеворини бунёд этувчиларга айланадилар.



**Гулнора КАМАЛОВА, Чортоқ туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми директори:**

— Салкам ўттиз йилдан буён ўқитувчилик қиламан. Агар таълим ва тарбия соҳасида кейинги уч-тўрт йил ичида амалга оширилган ишларни аввалги даврлар билан қиёс қилсак, ер билан осмонча фарқ борлигини англаш қийин эмас.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт давомида таълим соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мактаблар 11 йиллик, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими янги 3 босқичли профессионал таълим тизимига айлантирилди. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Жумладан, бизнинг тиббиёт коллежи ҳам Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумига айланди.

Айни пайтда бутунлай янги таълим тизими ва дастури асосида фаолият юритиш арафасидамиз. Асосий эътиборни малакали кадрлар тайёрлашга қаратамиз. Биз тайёрлайдиган кадрлар ҳам замонавий тиббий технологиялар билимдони, ҳам эл саломатлиги йўлида фидойи, ватанпарвар, тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлиб етишади. Бундай кадрлар ҳар доим, айниқса, бугунги синовли кунларда жуда ҳам зарур.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини эшитиб, бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, ўқитувчилик касбини танлаб адашмаганимга яна бир бор иқрор бўлдим. Давлатимиз раҳбари табриги, ўз навбатида, барча ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Шахсан мен ҳам раҳбар, ҳам мутахассис сифатида зиммамга юклатилган вазифа ва юксак ишончни сидқидилдан бажаришни ният қилдим.

Президентимиз табриги кишида ғайрат, шижоат ва ташаббус ҳам уйғотади. Наманган вилоятидан кимё ва биология бўйича кўплаб академик ва профессорлар етишиб чиққан. Вилоятимизда бу соҳаларда малакали ва етук кадрлар бор. Кимё ва биология фани иқтисод, саноат ва фармацевтика соҳалари ривожининг асоси ҳисобланади. Модомики шундай экан, Наманганда кимё ва биология соҳасида ихтисослаштирилган ёки махсус мактаб ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



**Гулистон ДАУЛЕТОВА, Нукус шаҳар 32-мактаб директори, “Дўстлик” ордени соҳиби:**

— Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган видеоселекторда Президентимиз ўқитувчиларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли касбини улуғлаб, уларнинг жамиятдаги ўрни, қадр-қимматини юксакка кўтаргани қалбимизга шукуҳ бағишлади. Уларда ўз касбига ҳурмат, ишонч, куч-ғайрат уйғотди.

Илк бор “Кимдир ўқитувчиларга паст назар билан ҳурматсизлик кўрсатса, мен ҳам у инсонни ҳурмат қилмайман”, деган фикрни ўқиганимда кўзларимга ёш келган эди.

**Биз Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Бухорий авлодларимиз. Демак, жаҳонга машҳур боболаримиз ишларини давом эттирган ҳолда, учинчи Ренессансни Президентимиз айтганидек, Мўйноқдан бошлашга ваъда берамиз. Бу улуғ ишларни бажаришга имкониятимиз бор.**

Бадиий адабиётни севган, уни қадрлаган ва қизиққан, қўлига қалам олган талантли ёшларимиз учун Нукус шаҳрида Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати очилди. Бу ерда барча туманлардан энг аълочи, энг зукко болалар таълим олмоқда. Ўтган ўқув йилида Нукус шаҳрида Президент мактаби очилди. Жорий йилда Опера ва балет мактаби иш бошлаш арафасида. Бундай мактабларнинг очилиши халқимиз учун чиндан қувончли воқеа бўлди. Ёш авлод камолотига хизмат қилаётган бундай тадбирлар биз, устозларнинг-да кўнглимизни тоғ айламоқда. Зеро, билимли, ҳар жиҳатдан етук ёшлар фахру ғуруримиз, келажагимиз ворисларидир.

**Самарқанд азалдан “Ер юзининг сайқали” деган таъриф ва тавсиф билан тилга олинадиган, етти иқлимга машҳур илм-фан диёри ҳисобланади. Ушбу заминнинг фидойилари, профессор-олимлари бугунги кунда ҳам юксак чўққиларни забт этиб, улкан марраларни кўзлаган ҳолда мамлакатимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.**

# ЭЛНИ МАЪРИФАТ АСРАЙДИ

**Улардан бири фиология фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори, Шарқ ва ўзбек адабиёти тарихи бўйича етук мутахассис, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Муслиҳиддин Муҳиддиновдир. Устоз Муслиҳиддин Муҳиддинов мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг фармони билан халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт соҳаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва ижтимоий-маънавий барқарорлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган эди.**



## Ўқиш ва изланишлар самараси

Муслиҳиддин Муҳиддинов 1967 йили Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг 1968-1971 йилларда Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультети аспирантурасида таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедрасида оддий ўқитувчиликдан бошлаб, йиллар давомида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, ўқув-тарбиявий ва маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор, олий таълим даргоҳининг профессори ҳамда ректор вазифасини бажарувчи ва ушбу муқаддас даргоҳнинг филология факультетида кафедра профессори сифатида бўлажак адабиётшуносларга мумтоз адабиёт тарихи фанидан сабоқ бериб келмоқда.

Адабиёт илмига катта ҳисса қўшиб келаётган, салмоқли китоблари, кенг қамровли мақолалари билан юртимиздаги ҳар бир адабиёт мухлисининг қалб қўридан муносиб жой эгаллаган 75 ёшли нуроний устоз ўзининг илмий изланишлари, таҳлилий, танқидий, теран тафаккурли қарашлари ва асосланган тақдимотлари билан танилиб, илм-фан дунёсида ўз ўрни ва сўзига эга йирик адабиётшунослардан ҳисобланади.

У 1972 йилда “Ўзбек классик адабиётида “Баҳром ва Дилором”, “Баҳром ва Гуландом” достонлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Ғулом Каримов илмий раҳбарлигида ёқлаган. 1995 йилда акдемик Ботирхон Валихўжаев илмий маслаҳатчилигида “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

## Илмий талқин ва тадқиқотлар

Муҳиддинов ўз тадқиқотларида мумтоз адабиётдаги талқинларга катта эътибор берди. Олижаноблик, саховат, шижоат, яратувчанлик ва бунёдкорликка асосланган комил инсон ғояси истиқлолга эришган мамлакатимизнинг моддий-маънавий тараққиётини белгиловчи омил сифатида ўрганилишини ўзининг долзарб мавзуси деб билди ва бу борада бир қатор аҳамиятга молик китобларини нашр эттирди.

Жумладан, “Талқинларда оламча маъно”, “Барҳаёт анъаналар”, “Ўзбек классик адабиётида гуманизм масаласи”, “Икки олам ёғдуси”, “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида комил инсон талқини”, “Хамса”ларнинг биринчи достонларида комил инсон тасвири”, “Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик”, “Комил инсон — адабиёт идеали”, “Нурли қалблар гулшани”, “Навобахш ҳикматлар”, “Халқ китоблари ва мумтоз адабиёт”, “Форс-тожик шоирлари ижодида комил инсон талқини”, “Кўнгил ҳайратлари” каби тадқиқот натижалари билан адабиётшунослик илми ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Илмий фаолияти давомида 11 та монография, 17 та ўқув-услубий қўлланма, 300 дан зиёд илмий-назарий мақола эълон қилди. Адабиётшунос олим Давлат фан-техника қўмитасининг “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси”, “Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзуларидаги грантлари соҳиби бўлган. Грантлар асосидаги тадқиқотлар натижасида 5 та китоб чоп этилган.

## Германияда чоп этилган монография

Устозлик олий мақом. Унга эришиш учун муттасил ўқиш, ўрганиш ва тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Муслиҳиддин Муҳиддинов ўзининг тинимсиз изланишлари билан билим жавоҳирларини йиғиб, уни келажак авлодга ва шогирдларига мерос қилиб келаётган етук адабиётшунос олимдир. Унинг миллий адабиётимиз ҳақидаги изланишлари, тадқиқотлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Жумладан, жорий йилда Германиянинг “Ламберт” нашриётида устоз-ўқитувчининг “Хамса”ларнинг илк достонларида комил инсон концепцияси” номли монографияси инглиз тилида чоп этилганининг ўзи тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйишга арзигулик воқеа эканини алоҳида эътироф этиш жоиз. Унда “Ҳайрат ул-аброр” достони монографик йўсинда тадқиқ этилиб, Навоийнинг диний-тасаввуфий ва фалсафий-ахлоқий қарашлари илмий жиҳатдан холис ва ҳар томонлама тўкис асослаб берилган.

Монографияда Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоий “Хамса”ларидаги илк достонларда комил инсон тушунчасининг бадиий-фалсафий талқини ҳақида сўз юритилган. Муслиҳиддин Муҳиддинов хамсачиликдаги фалсафий-дидактик достонларда Шарқ мумтоз адабиётидаги комил инсон идеали ҳақидаги қарашларни қиёсий ўрганиб чиқиб, Навоий фалсафий қарашларининг ўзига хосликларни аниқ-тиниқ асослаб беришга эришган. Германиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, фалсафий-ахлоқий қарашларини ёритиб берувчи мазкур монография европалик мутахассисларни қизиқтириши табиий. Чунки Алишер Навоий Европада машҳур бўлса-да, унинг ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар етарли эмас. Мазкур монография эса ана шу кемтикликни тўлдиришга маънавий восита бўлиб хизмат қилади.

## Эзгуликдан яратилган боғлар қолсин

— Бизларни ҳам устозлар ўқитди, биз ҳам маърифатли бўлдик. Улар таълимини олиб, ҳаёт йўлимизда одамийлик сабоғини, яшаш илмини ўргандик. Энди эса ўрганганларимизни ўзимиздан кейинги авлодга, шогирдларга ўргатиб бормоқдамиз, — деди филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов. — Келажак ёшларини адабиётга ошно қилиб, эзгуликдан яратилган боғлар қолсин, деган ниятлар билан ўтаётган ҳар бир кунимга шукрона келтираман. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг **“Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”,** деган пурмаъно сўзларининг негизида ҳам улкан маъно мужассам. Инчунин, биз, педагоглар миллий мумтоз адабиётнинг ёрқин шуъласини, нурли сиймолар қолдирган нодир маънавий меъросни келажак авлодга ўз ҳолича етказиб беришни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз. Зиммамизга янги Ўзбекистон учун ҳар томонлама етук, илмли, мутахассис кадрларни етказиб бериш каби масъулиятли вазифа юкланган экан, бунга қалб қўримиз билан ёндашишимиз шарт. Тўғри, касбимиз жуда машаққатли шу билан бирга, шарафли ва ажру савоби беқиёс соҳадир. Шундай соҳада фаолият кўрсатаётганимдан жуда ҳам мамнунман!

Дарҳақиқат, машаққатли ва айни пайтда шарафли йўлни танлаган педагоглар қолдираётган маърифат гулдастаси халқимизнинг ҳақиқий маънавий хазинасидир. Абдулла Авлоний ёзганидек: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир,”. Муслиҳиддин Муҳиддинов ҳам ўз фаолиятини, энг аввало, тарбия, яъни одамийлик сабоғи билан бошлаб, сўнгра адабиёт чашмасига мурожаат қилишида ҳам ўзига хослик мужассам.

Инсонни камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида устозларнинг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Маҳсулот тўлиқ маҳаллийлаштирилгач, катта миқдордаги валюта чиқиб кетишининг олди олинади, цехлар ишга тушиб, давлатга солиқ тушумлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.**



Муносабат

# КЕРАМИК БЎЁҚЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИ



## юртимизда илк бор чиқиндилардан янги маҳсулот ишлаб чиқарилади

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ранглар шундай мўъжизакорки, улар орқали табиатнинг камалаксимон гўзалликлари намоён бўлади. Инсон руҳияти, ички кечинмаларини ифода этишда ҳам турфа ранглардан фойдаланамиз. Айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қурилиш материаллари саноатида ранг-бўёқларнинг ўзига хос ўрни бор.**



**Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда йилига 35-40 тонна керамик бўёқ ишлатилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу маҳсулот МДҲ давлатларидан, Хитой, яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан юз фоиз импорт қилинади.**

Юртимизда қурилиш ҳажми йил сайин ўсиб, сўнгги уч йилда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, ижтимоий ва уй-жой объектлари қад ростлади. Табиийки, мармар ва кошинлар, девор ва полларни қоплаш учун плиталар тайёрлашда ишлатиладиган керамик бўёқларга талаб ҳам кескин ошди. Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда йилига 35-40 тонна керамик бўёқ ишлатилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу маҳсулот МДҲ давлатларидан, Хитой, яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан юз фоиз импорт қилинади. Шу сабабдан миллий қурилиш материаллари саноатимиз сифат кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган, импорт ўрнини босувчи пардозлаш материалларини олиш технологияларига жуда муҳтож бўлиб келади.

Айнан шу масала Тошкент кимё-технологиялари институти доценти, кимё фанлари номзоди Дилором Қодировага неча йиллардан буён тинчлик бермаётганди. Бундан ўттиз икки йил олдин керамик бўёқлар олиш технологияси мавзусида номзодлик ишини ёқлаган олима ўз тадқиқотларини такомиллаштириш ҳамда инновацион усулни қўллаш устида бир зум бўлса-да, изланишдан, турли синовлар ўтказишдан тўхтамади. Улар ўз самарасини бериб, 2015-2017 йилларда унинг илмий жамоасига керамик бўёқлар олиш технологияси бўйича давлат томонидан амалий грант ажратилди. Илмий тадқиқотни бажариш учун ижодий гуруҳ ташкиллаштирилди ва унда бир неча илмий ходим ҳамда талабалар иштирок этди. Ушбу тадқиқотлар натижасида керамик бўёқ ишлаб чиқаришда инновацион ечим — иккиламчи хомашёдан фойдаланиш ғояси дунёга келди. Бунда иккиламчи хомашё сифатида “Шўртан газ кимё мажмуаси” катализаторидан чиққан чиқиндилар асос қилиб олинди. Энди “Маҳаллий минерал хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида керамик бўёқларнинг технологиясини жорий этиш” мавзусидаги стартапни ҳаётга татбиқ этиш қолганди. Ниҳоят, 2019 йилда лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлиб, грант қўлга киритилди. Дилором опанинг жамоасига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун вазирлик томонидан 500 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди.

### Лойиҳа қандай муаммоларни ҳал этади?

Сўнгги йилларда маиший ва саноат чиқиндиларининг кўпайиши экологик барқарорликка жуда катта салбий таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, маиший чиқиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш имконияти бор. Мамлакатимизда бу борадаги кўрсаткич 13,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш ва қайта ишлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Президентимизнинг жорий йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ана шу масалаларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилган. Хусусан, ҳудудларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини босқичма-босқич жорий этиш билан бир қаторда, уларни қайта ишлатиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу ҳужжатга кўра, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажми жорий йил якунига қадар 21,8, 2021 йил якунига қадар эса 36,5 фоизга етказилади.

— Маҳаллий минерал хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида керамик бўёқларнинг технологиясини жорий этиш учун Тошкент кимё-технология институти ва “Навоий ёғ-мой қандолат” МЧЖ томонидан берилган таклиф қаноатлантирилди, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Шуҳрат Отажонов. — Вазирлик томонидан молиялаштирилган стартап лойиҳа асосида цех барпо этилмоқда. Айни пайтда бўёқ ишлаб чиқарувчи корхонани таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борияпти. Лойиҳа 2020-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, маҳсулот кейинги йилнинг иккинчи ярмида истеъмолчиларга тақдим этилади. Агар корхона тўлиқ қувватда ишлай бошласа, аввалига ойига 2 тонна, йилига эса 24 тонна керамик бўёқ ишлаб чиқарилади ва 15 киши иш билан таъминланади. Агар фаолияти кенгайиб, 2 ёки 3 сменада иш йўлга қўйилса, ишчилар сони ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми 40 тоннагача чиқарилади ва маҳсулот тўлиқ маҳаллийлаштирилади.

— Керамик бўёқлар тўлиқ четдан сотиб олингани учун унинг нархи ички бозорда қиммат турар ва бу қурилиш материалларининг таннархига таъсир этмасдан қолмасди, — дейди Дилором Қодирова. — Бунинг устига, Ўзбекистондан йилига қанчадан-қанча валюта чиқиб кетар эди. Тасаввур қилинг, шу маблағ мамлакатнинг ички бозорига, тиббиёт ёки фармацевтика саноатига йўналтирилса, иқтисодиётга қанча фойда келтиради. Биз керамик бўёқ ишлаб чиқаришда ишлатишни йўлга қўяётган “Шўртангаз кимё мажмуаси” чиқиндилари ерга ёки омборхонага ташланар, вақт ўтгани сайин улар ўзидан зарарли газ тарқатар эди. Эндиликда керамик бўёқ таркибининг 30-40 фоизгача қисмини шу иккиламчи хомашё ташкил этса, экология ва атроф-муҳит тозалиги учун ҳам кони фойда бўлади. Маҳсулот тўлиқ маҳаллийлаштирилгач, катта миқдордаги валюта чиқиб кетишининг олди олинади, цехлар ишга тушиб, давлатга солиқ тушумлари ортади, янги иш ўринлари яратилади.

Керамик бўёқ ҳар бир уйга ёки корхонага ўрнатиладиган ва зеб бериб турадиган кошинларни безашда қўлланилади. Улар юзасига танланган ранглар жамланмаси сепилади ва устига шаффоф глазур қопланади. У юқори иссиқликда куйдирилгач, чиройли ва бежирим керамик кошинлар тайёр бўлади.

### Бўёқлар рангини кўпайтириш зарур

Келгусидаги режалар ва мақсадлар тўғрисида сўраганимизда, олима ўз сўзини сўнгги йилларда илмга эътибор ва имкониятлар ортаётганидан бошлади.

— Илгари институтимиз 30-40 тадан грант олган бўлса, охирги йилларда ушбу кўрсаткич 5-6 тага тушиб қолганига қарамай, уларга ажратиладиган маблағ 2-3 баробар ортди, — дейди Дилором Қодирова. — Бу бошланган ишни охиригача етказишга, барча асбоб-ускуна ва керакли материаллар билан тўлиқ таъминланишга имкон яратади. Ҳозирги вақтда Инновацион ривожланиш вазирлиги ажратган маблағ эвазига цехимиз тўлиқ жиҳозланмоқда, керакли хомашёлар харид қилинмоқда. Шу кунгача рангларнинг 20 турини ишлаб чиқариш технологияси яратилган бўлса, келажакдаги вазифа бу кўрсаткични янада оширишдир. Чунки табиатда ранглар жуда кўп ва хилма-хил. Қолаверса, шиша учун алоҳида, кошинга эса тамоман бошқача ранглар ишлатилади. Мақсадимиз ранг турларини кўпайтириш ва шиша идишлар учун ҳам бўёқлар олиш технологиясини жорий қилишдир. Шунингдек, керамика бўёқлари юқори ҳарорат, оқим ва сиртларнинг эрувчан таъсирига, ёруғлик ва тажовузкор муҳитга юқори даражада чидамли бўлиш каби асосий талабларга жавоб бериши керак. Бундай маҳсулот олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун Тошкент кимё технологиялари институтининг инновацион марказида, институт лабораториясида зарур асбоб-ускуналар келтирилган. Биздан талаб қилинадигани фақат ва фақат изланиш, меҳнат қилиш ва самарали натижаларга эришишдир.

...Мақола аввалида ранглар борлиқ чиройини намоён этишга ёрдам беради, деган эдик. Ўша рангларни аёл яратса-чи? Бизнингча, аёл олима яратган технология бўйича ишлаб чиқарилган ранг-бўёқларда нозик ҳилқатнинг нафосати, гўзалликка бўлган интилиши, меҳри, бир сўз билан айтганда, бутун қалби намоён бўлиши шубҳасиз. Бундай ранг-бўёқлар асосида ишланган маҳсулотлар кўзимизга қувонч, қалбларимизга ошуфталик ва биноларга кўрку файз бахш этса, ажаб эмас!

Санъат



# “ЛАЗГИ”ДА ИЛОҲИЙ СЕҲР БОР



**Оғабек СОБИРОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти**

**Дунё миқёсидаги пандемик шароитга қарамай, миллатимиз маънавияти, маданияти, санъатини юксалтириш борасида қатор эзгу ишлар амалга оширилаётгани, айниқса, бу борада қарор ва фармонларнинг қабул қилинаётгани чиндан ҳам эътиборга молик.**

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори бизни янада руҳлантириб юборди. Хоразм “Лазги”си юртимиз рақс санъатида ўзига хос ўрин тутгани боис, ЮНЕСКО томонидан юксак эътироф этилган.

“Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарор доирасида Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бадиий академия, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаларига ҳам тегишли топшириқлар берилгани, Хива шаҳрида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилиши, фестиваль ўтказиладиган ҳудудлар талаб даражасига келтирилиши унинг нақадар кенг кўлам ва кўтаринки руҳда ўтишидан далолатдир.

2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда ўтказилиши режалаштирилаётган мазкур фестивалда “Лазги” ашула ва рақс ансамбли бутун салоҳияти ва имкониятидан фойдаланган ҳолда, юртимиз рақс санъатини бутун дунёга тараннум этишга муносиб ҳисса қўшади.

Шу ўринда “Лазги” билан боғлиқ бир воқеа ёдимга тушди. 2005-2006 йиллари Европа бўйлаб гастроль сафарига борганимизда, бир ярим соатлик концертлардан бирида 18 та қўшиқ ижро этилди. “Лазги” янграганида, французлар, немислар қатори кўплаб миллат вакиллари ўзгача бир қизиқиш билан қўлларини ҳаракатга келтириб, рақсга тушиб кетди. Шу пайт ўйлаб қолдимки, “Лазги”да бир сеҳрми ёки илоҳий қудрат бўлса керак. Ана шу сеҳрни, ана шу қудратни эндиликда яққол кўрсата олиш имконияти яратилди.

Шуларни ҳам алоҳида эътироф этмоқчиман, фестиваль доирасида қадимий ва кўҳна Хива шаҳрининг бундан-да чирой очиши, шу орқали туристик салоҳиятимиз айнан “Лазги” санъати туфайли янада юксалиши қалбимизни ғурурга тўлдиради. Фестивалнинг келажакда туризм календарь режасига киритилиши эса бутун республикамиз, айниқса, Хоразм аҳли учун ажойиб хушхабар бўлди.

Жараён




# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Қорақалпоғистон деганда, бийдай далалар, бепоён адирлар, уфққа туташган даштлар кўз олдимизга келади. Бу замин табиати, ери кўп жиҳатдан чорвачиликка жуда ўнғай. Қўй-қўзи яйловда семиради, кенг майдонсиз пода боқиб бўлмайди.**

Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 3 июль куни қабул қилинган “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори даромад қиламан, эл дастурхонига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб бераман, деган чорвадорлар учун катта қулайлик яратмоқда.

### Энди чорва учун ер аукционсиз ажратилади

Қарорга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида чорва молларини саноат усулида боқиш учун суғориладиган ерлар, уларни ҳайдаб боқадиган пичанзор ва яйловлар, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, омихта ем ишлаб чиқариш мақсадида бино ва иншоотлар қуриш учун фойдаланилмайдиган унумдорлиги паст, суғориладиган ер майдонларини танлов ва аукцион ўтказмасдан, комиссиянинг тавсиясига кўра ажратиш белгиланган. Шу кунгача бундай имтиёз фақат тўртта туманда амалда эди.

Қолаверса, ушбу ҳудуддаги чорвачилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига, уларнинг кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, истисно тариқасида, Қорақалпоғистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланишга рухсат берилди. Бу каби имтиёзлар Қорақалпоғистонда чорвачилик ривожини янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ.

### 236 та лойиҳа амалга ошмоқда

— Қорақалпоғистонда чорвачиликни ривожлантириш доимий эътиборда, — дейди “Ўзбекчорванасл” агентлигининг халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб этиш бўлими бошлиғи Анис Ҳамидов. — Шу кунгача чорвачилик туманлари этиб белгиланган Қўнғирот, Бўзатов, Тахтакўпир, Мўйноқ ва бошқа туманларда бу йил 490 миллиард 116 миллион сўмлик 236 та чорвачилик лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Уларнинг 153 таси қорамолчилик, 34 таси қўй ва эчкичилик, 1 таси туячилик, 8 таси паррандачилик, 23 таси балиқчилик, 3 таси қуёнчилик, 6 таси асаларичилик, 8 таси сутни қайта ишлаш ҳамда омихта ем ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳалардир. Уларнинг амалга оширилиши натижасида ташаббускорлар томонидан янгидан 19 минг 877 бош чорва молини харид қилиш, 971 тонна сут ва 25 минг 200 тонна омихта ем ишлаб чиқариш ҳамда 1 582 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.



Ўтган йилнинг декабрь ойида Қўнғирот туманида чорвачилик кооперацияси — Қорақалпоғистон тажрибаси асосида чорвачилик соҳасидаги энг йирик мажмуа қурилиши бошланди. Туманда ташкил этилаётган мазкур кооперация соҳадаги йирик мажмуа ҳисобланади. У 35,2 гектар майдонда жойлашган бўлиб, ҳар бири 100 бош — жами 1 200 бош қорамол боқишга мўлжалланган 12 та молхона (ангар)ни, шу жумладан, 2 та бўрдоқичилик молхонаси, 2 та 500 бош молга мўлжалланган силос майдончаси, 2 та сут цехи, 1 та ўқув маркази, меҳмонхона, ветеринария хизмати ва бошқа объектларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, бошқа туманлардаги тадбиркорлар томонидан чорвачилик комплексларини ташкил қилиш ишлари Бўзатов ва Тахтакўпир туманларида ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Бўзатов туманида “Bozataw simmental” ва “Agro biznes Bozataw”, “Чистое белое золото” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда Тахтакўпир туманида Қоракўлчилик илмий наслчилик тажриба станцияси ҳамда “Сейт чорва” фермер хўжалигида чорвачилик комплекслари қурилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва уларнинг барқарор нархларда сотилишини таъминлаш мақсадида жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасида бўрдоқичилик ва сутчиликка ихтисослашган, жами қиймати 37 миллиард 109 миллион сўмлик замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш бўйича 24 та лойиҳани амалга ошириш белгилаб олинган. Ушбу лойиҳаларнинг бажарилиши ҳисобидан гўшт тайёрлаш йўналишида 4 700 бош қорамол ва сутчилик бўйича 2 920 бош сигир боқишга мўлжалланган комплекслар ташкил қилиш ҳамда 545 тонна гўшт ва 6783 тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда Хўжайли туманида “Ўзнаслчилик” давлат корхонасининг Қорақалпоғистон филиали фаолият юритмоқда. Тахтакўпир туманида “Агрокомплекс Қорақалпоғистон” хўжалиги томонидан чорвачилик комплекси қуриб битказилиб, 150 бош қорамол парваришланмоқда. Бундан ташқари, 3 миллиард сўм кредит эвазига Германия ва Венгриядан 500 бош наслли қорамол келтириш бўйича шартномалар расмийлаштирилди. Жорий йилнинг июль-август ойларида Германиядан симментал зотли, насլдор 62 бош қорамол қўшимча олиб келиниб, парваришланяпти. Сентябрь ойи якунигача наслли моллар тўлиқ келтирилиши кутилмоқда.

Давлатимиз томонидан чорвачилик соҳасини ривожлантиришга берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда 16 та чорвачилик хўжалиги томонидан Австрия, Польша, Латвия, Россия, Эстония, Чехия ва бошқа чет давлатлардан жорий йилда 1 550 бош наслли қорамол олиб келинди.

Чорвачилик ривожи тадбиркор учун даромад манбаи, иш ўрни бўлса, халқ учун сифатли ва арзон гўшт ва сут маҳсулотлари деганидир. Сигирли уйда сил бўлмас, дейди халқимиз. Бу гўшт ва сут маҳсулотлари соғлом овқатланишда, халқ саломатлигида алоҳида ўрин тутишини англатади.




# ЭҲ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ!



**Одатда сокин кузнинг бор гўзаллиги, тилларанг япроқларнинг бетакрор жилвалари хиёбонларда кўпроқ намоён бўлади. Айниқса, саховатли фаслнинг табиий инъоми — майин ёмғир остида хиёбон аро кезишнинг завқи, шукуҳи ўзгача.**

**Шундай манзилларнинг қалбга яқини, севимлисига айланиб улгурган Адиблар хиёбони куз ёмғири билан янада тиниқлик касб этди. Буюкларимиз ҳақидаги фикрлар, мушоҳадалар теранлиги, ёшларнинг аждодларга муносиблик йўлидаги шижоати кундан-кун ортмоқда.**

**Соябон остида шундай хаёлларга берилиб келар эканман, бир гуруҳ талаба қизларнинг беғубор кулгулари хаёлимни тарқатиб юборди. Ўзбек журналистикасининг бўлажак вакиллари, шарқ тиллари билимдонлари, бўлғуси устозлар орасидан уч нафари "Кечирасиз, Бердақ бобомизнинг ҳайкали қайси тарафда?", деб сўради. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг бахтиёр талабаларини қорақалпоқнинг ифтихори, миллатнинг мард ўғлони сари йўналтирар эканман, ортларидан ҳавас билан қараб қолдим. Чунки уларни шоир ҳақидаги янги-янги маълумотлар, алоҳида тайёргарлик билан аллақачон устозлари кутиб турар эди.**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабалари Нигора Обиджонова ва Зоҳид Хўжамов Абдулла Авлонийдек буюк муаллим қаршисида галдаги маънавият соати юзасидан ўзаро фикрлашиб турганига гувоҳ бўлдим. Маънавий-маърифий тадбирларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни юзасидан уларни суҳбатга тортдим.**

**Азиз байрам — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида ҳурфикр бу ёшларга бош-қош бўлаётган университетнинг хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси Умида Исаевани байрам билан муборакбод этдик. Ҳар томонлама етук янги авлод вакиллари — эртамизнинг муносиб эгаларини камол топтираётган устозларимиз бор экан, илму фанимиз жадидларимиз орзу қилганидан-да, юксак чўққиларни забт этади.**

## Буюк мақсадларга дебоча маскан



**Мафтуна ЗАРИФОВА,**
**Ички ишлар вазирлиги академияси курсанти**

XX аср ўзбек адабиётида етук адиблар жуда кўп эди. Шулардан бири маърифатпарвар шоир ва ёзувчи Абдулҳамид Чўлпондир.

Адиб ўзининг ёрқин ижоди билан адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Чўлпон яшаган даврда истилочилик ҳаракати авж олган, мазлум халқ ўз эрки ва истиқлоли учун курашаётган эди. Шу боис, унинг ижодида халқ ва миллат дарди юксак маънавий жасорат билан қаламга олинди. Чўлпон истибдод зулмининг миллатимиз бошига солган азобу уқубатларини, жамиятда ҳукм сураётган сиёсатнинг жирканч иллатларини оташин шеърлари, матбуотдаги чиқишлари орқали фош этди.

Бир қарашда адиб ижоди халқнинг ижтимоий аҳволи, маиший турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилгандек туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Шоир халқнинг юрак қаъридаги дарду ташвишларини ҳасрат билан қаламга олди, жамиятнинг баъзи қусурларини ойнадек кўрсатиб берди. Шу боис, Чўлпон ва у билан замондош маърифатпарварларнинг ижоди шўро ҳукуматига ёқмасди.

Чўлпон халқни зулм исканжасидан олиб чиқиш учун умидлари тобора сўниб бораётганини билса-да, миллат зиёлиларини уйғонишга чорлайди. Чунки адиб халқ ва миллат дардини ўзининг орзу-истакларидан устун қўйган. Қатағон сиёсати боши узра қилич тутаётганини била туриб, ҳурлик ва озодлик учун курашдан тўхтамади.

Абдулҳамид Чўлпоннинг бой мероси нафақат ўз даври, балки бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, адиб ҳаётини чуқур ўрганишга қаратилаётган юксак эътибор Чўлпон ижодининг янги қирраларини кашф этишга туртки бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда жадидларимиз илгари сурган ғояларнинг асл мазмун-моҳиятини, уларнинг чинакам миллат фидойилари эканини халқимизга англатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар жадал кечяпти. Жадидчилик адабиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган адибларимизнинг ибратли умр йўли ва ижодини ўрганиш орқали биз, ёшлар адабиётнинг келажак авлод таълим-тарбияси йўлида нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини англаймиз.

**Шунингдек, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний қаторида Чўлпон характерига хос бўлган барча инсоний фазилатлар, айниқса, миллатпарварлик хислатидан ўрнак олишимизда бу ўрганишларнинг аҳамияти катта. Адиблар хиёбони эса бу борада том маънода биз учун маърифатхона вазифасини ўташи, ҳар бир маънавият соатлари келгусидаги буюк ишларимиз учун дебоча бўлишига шубҳа йўқ.**



## Хонлар алқаган ҳассос муаррих



**Ҳилола НАЗИРОВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Халқаро Огаҳийшунослар кенгаши илмий котиби, тадқиқотчи**

Мумтоз шоир, улкан таржимон, ҳассос муаррих, давлат арбоби, мироб, Хива шаҳридаги Ичан қалъа деворий нақшин биноларининг сўз бунёдкори — бош эпиграфи Муҳаммадризо Огаҳий ҳақида илк тарихий далолатномани Шермуҳаммад Мунииснинг ёзганларидан билиб оламиз:

"Бу йил моҳи мазбур, яъни зулқаъданинг ўнунда шанба куни Эрниёзбек ғаким, фақирнинг инисидур, ҳазрат Воҳиб ул-атоё бир фарзанди аржуманд ва валади саодат пайванд ато қилди. Ва ул нури ҳадиқайи жалол ва наввари ҳадиқайи камол Муҳаммад Ризобекка мавсум бўлди".

Шермуҳаммад Мунииснинг "Фирдавс ул-иқбол" асарида келтирилган ушбу сўзлар 1809 йил 17 декабрда Мунииснинг иниси Эрниёзбекнинг ўғли Муҳаммад Ризобек — Огаҳий туғилгани ҳақида.

Огаҳий тарихчи сифатида фаолиятини саройда тарихий асарлар таржимасидан бошлайди. Мирхонднинг "Равзат ул-сафо" тарихий асари таржимасига унинг жалб қилиниши хон томонидан унга билдирилган юксак ишонч эди. Кейинчалик у бу ишончни оқлаб, хонликдаги энг сермаҳсул таржимонга айланади. Огаҳий иқтидори ва феноменал меҳнаткашлиги билан Муҳаммад Раҳимхон II даврига келиб, адибларнинг пешвоси мартабасига эришади.

Адиб тарихий асарларининг қўлёзмалари Финляндия, Туркия, Россия ва Ўзбекистон фондларида сақланмоқда. Асарларнинг илмий-танқидий матнлари, табдил ва тадқиқотлари сайланмаларда нашр бўлмоқда. Устозлар, етакчи манбашунослар Қувомиддин Муниров, Субутой Долимов, Ғулом Каримов, Юрий Брегель, Сафарбой Рўзимбоев, Нафас Шодмонов, Нурёғди Тошев, Нурбой Жабборов, Абдулла Ўрозбоев Огаҳий асарларининг тадқиқотчиларидир.

Юз йиллардирки, Огаҳийнинг тарихий асарлари халқимизнинг ўзлигини таниши ва теран илдизларини англаши йўлида хизмат қилиб келмоқда.




## Адабиёт — келажакка пиллапоя



**Тўхтагул САЪДУЛЛАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси**

Ҳар сафар Адиблар хиёбонига йўл олганимизда ушбу маскан маърифатпарвар ва миллатпарвар боболаримиз ҳаёти ва ижодига чуқур кириб боришимизда муҳим кўприк бўлиб хизмат қилаётганини ҳис қиламиз. Абдулла Авлоний бобомиз сиймоси олдида унинг Туркистонда биринчилардан бўлиб мактабга география, кимё, ҳандаса, физика фанлари киритилишига таъсир кўрсатганини эсладик. Авлоний таълимни реал турмуш билан боғлашга интилди, бир дарс билан бошқаси ўртасида муайян танаффусни, бир синфдан иккинчисига ўтишдаги имтиҳонни жорий этди, таълим тизимининг дунёвий йўналишини кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Унинг "Биринчи муаллим", "Иккинчи муаллим" дарсликлари, "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" , "Адабиёт ёхуд миллий шеърлар" каби қўлланмалари ўз вақтида мактаблар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган.

Алломанинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти эса халқни жаҳолат, турғунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда, миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. Аждодларимиз бу озодлик, ҳурфикрлилик, бу имкониятлар учун жонларини жабборга бериб ҳаракат қилганларини биз, ёшлар унутмаслигимиз керак.

Ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун ҳам маърифатпарвар боболаримиз қолдирган маънавий-маърифий мерос асосида таълим-тарбия соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Адиблар хиёбонида бўлиб ўтаётган тадбирлар ва адабиёт дарслари ҳам биз каби ёшларнинг келажакда етук авлод бўлишимиз учун пиллапоя вазифасини бажаради ва, албатта, юксак марраларга эришишимизга замин яратади.

## Биз, ёшларга бирдай манзур бўлди



**Ҳасанхўжа ОБИДОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти магистратура босқичи талабаси**

Мен болалигимданоқ қорақалпоқ шоири Бердақнинг "Болам" шеърини ёд олиб айтиб юрардим. Нафақат мен, балки тенгқурларим ҳам кўча-кўйда ўйнаб юрганида айнан шу шеърни баланд овозда ўқишлари ҳалиҳануз ёдимда.

Ўқувчилик кезларимизда эса шоирнинг "Халқ учун", "Яхшироқ", "Излар эдим" каби шеърлари билан маънавий дунёмизни бойитганмиз. Ушбу шеърлар халқимиз орзу-истакларини ўзида акс эттиргани боис, руҳиятимизга сингиб, онгимизга ўрнашиб, барчамизнинг кўнглимиздан муносиб жой эгаллаган бўлса ажабмас...

Бердимурод Қарғабой ўғли 1827 йил 27 ноябрда Амударёнинг Орол денгизига туташтирган ирмоқларидаги Оққалъа деган жойда оддий оилада дунёга келган. Болалигидан маърифатга, адабиётга меҳр қўйган. Қорақалпоқ халқининг мақол ва маталлари, лапар ва достонларини қизиқиш билан ўрганган. Диний ва дунёвий фанлар билан бирга, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Абдулқодир Бедил, Фаридуддин Аттор, Махтумқули, Сўфи Оллоёр сингари Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижодини астойдил ўрганди.

Адиб аввал овул мактабида, сўнгра ўша даврдаги маърифат ва зиё масканларидан бири ҳисобланган Қорақум эшон мадрасасида таҳсил олган. Шунингдек, Бердақ Афлотун ва Аристотель ижодидан ҳам сабоқ олгани яққол сезилади. Бердақ нафақат қорақалпоқ, балки туркий халқларнинг ҳам мутафаккир шоири ҳисобланади.

Унинг тарихий "Шажара", "Амангелди", "Эрназарбий", "Айдос бобо", "Равшан" ва "Хоразм" достонлари халқимиз тарихини ўрганишда аҳамиятли манбалар ҳисобланади. Шунингдек, Бердақнинг ўзи ҳам бахши бўлиб, халқ қўшиқлари билан достонларини моҳирлик билан ижро этган.

Адиблар хиёбонидаги қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали пойида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчилари, адабиётшунос олимлар, талаба ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир ҳам кўнглимизга ажиб бир маърифат ёғдусини олиб киргандай таассурот қолдирди.

Зеро, Бердақнинг ҳаёти, ижоди, яшаб ўтган шарафли йўли ва яратган асарлари ҳақидаги мулоҳазали, қизғин фикрлар биз сингари ёшларни она Ватанга содиқ фарзандлар бўлиб улғайишга, халқимизга астойдил хизмат қилишга чорлаш баробарида қалбимизга энг гўзал фазилатларни сингдиради.

## Ўтган кунларнинг бугунги сабоғи



**Абдулла ҚАҲРАМОНОВ,**
**Тошкент давлат техника университети талабаси**

Маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий миллати, халқи ғамини, дардини ўзининг шамширдан ўткир қалами билан очиб берган буюк ижодкор саналади.

Тошкент давлат техника университетига буюк ёзувчимиз Абдулла Қодирий ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш вазифаси берилиши ва у ерда маънавий-маърифий тадбирлар ва очиқ дарсларнинг ўтказилаётгани биз, талабалар учун катта имконият ва маънавий сабоқдир. Адиб руҳиятидаги жасорат, улуғ мақсадларга содиқлик ғояларининг замонавий усулда бевосита талабалар иштирокида очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтаётгани бизларни замон билан ҳамнафас бўлишга, илғорликка ундайди.

Ўзбек халқининг фидойи ижодкори Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини талаба ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Qodiriy izdoshlari" стипендияси ташкил этилиши эса келажак авлоднинг руҳий-маънавий камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Университет расмий веб-сайти (tdtu.uz)да "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ёшлар тарбиясида" саҳифаси яратилди. Унда "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди", "Абдулла Қодирий асарлари", "Эл ардоғидаги адиб", "Янгиликлар" каби рукнлар ташкил этилиб, уларда ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар, Абдулла Қодирий ижод мактаби билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар, турли танловлар, илмий-амалий анжуманлар ҳақида маълумотлар ёритиб борилмоқда.

Ўзининг ўлмас асарлари билан халқимиз қалбидан муносиб жой эгаллаган Абдулла Қодирийнинг маънавий меросига улкан ҳурмат, чексиз эҳтиром ила юрагимдан қуйилиб чиққан ушбу сатрларни келтириб ўтмоқчиман...

*Жонни фидо айлаган зотдир,*
*Тафаккурда душман лол-мотдир.*
*Бундан ўзга фикрлар ётдир –*
*Қодирий бобомга таъзим, эҳтиром!*

## Ёниқ қалбли мунаққид



**Нафосат ДАВЛАТОВА,**
**Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси**

Шундай инсонлар борки, биз уларни фақатгина илм йўлидаги меҳнати ва ютуқлари билан эмас, балки инсоний фазилатлари, бардошию сабру садоқати билан эсга оламиз. Бундай шахслар олимона камтарлик, жасорат, бебаҳо илмлар манбаси сифатида кўп даврлар ўзидан кейинги авлод учун яхши намуна, ғойибона устоз, мотиватор бўлиб қолади.

Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Озод домла Шарафиддинов асарлари фикр теранлиги, очиқлиги, таъсир кучининг ўткирлиги жиҳатидан нафақат адабиётда, балки журналистика мактабида ҳам "тоши оғир" ижод намуналари қаторида туради. Беназир истеъдод соҳиби ижод майдонига кириб келишини адабиёт денгизининг кутилмаган тўфонларига ўхшатса бўлади. Домла умидбахш, соғлом фикрлари билан халқ эътиборига тушди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари истеъдодларнинг кашф этилишида муҳим ўрин тутди. Ўрни келганда, "номақбул" шеърлар ёзган шу икки шоирга устозлик қилгани учун таъна-дашномлар остида қолди. Озод домла адабиётшунослик билан бир ўринда "Тафаккур" ва "Жаҳон адабиёти" журналида мақолалари ва таржималари билан иштирок этди. Топталган тарихни тиклаш, қоралангaн адиблар меросини асл эгаларига қайтариш, мафкуравий-сиёсий ёлғонларни фош этиш ишлари бошида турди. Ўз ғояси атрофида миллат фидойиларини бирлаштирди.

Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар эълон қилди. 2 та рисола яратди. Чўлпон асарларини нашрга тайёрлади, ижодини чуқур ўрганиш ишига бошчилик қилди. 70 ёшида "Жаҳон адабиёти" журналига бош муҳаррирлик масъулияти адибнинг журналистик фаолиятида ёрқин саҳифа очди. Вақт ҳукмига бўйсунмай, кексалик ва хасталикларни писанд қилмай, шижоат билан ўзини журналистик ижодга бахш этди.

Озод Шарафиддинов номи руҳ, фикр, ижод эркинлигида тўла намоён бўлади. Адиб мукофотлар ва мақтовлар учун ёзмади, унинг асарлари замон талаби ва қалб буйруғи билан қоғозга тушди. Бу йўлда қўрқув, иккиюзламачилик ва лаганбардорликка ўрин топилмади. Ҳақсеварлик, миллатига, тарихига садоқат билан хизмат қилиш олий мақсад қилиб қўйилди. Озод Шарафиддинов чин маънода миллат қаҳрамони эди. Унинг қаҳрамонлиги нафақат асарларида, балки бутун умрида, мустаҳкам эътиқодида кўринади. Унинг хотираси кўп йиллар адабиёт ва ижод олами иштиёқмандлари, ҳақсевар журналистлар учун ибрат мактаби бўлиб қолади. У ҳақиқат кўксидан отилиб чиққан ёлқин мисоли хотираларимизга муҳрланади, қалбларимизда илдиз отади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2553.
42210 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 01:35 Топширилди — 03:35